

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



“Халқаро бизнес” факультети

“Маркетинг” кафедраси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Билим соҳаси: 300000 - Ижтимоий фанлар, иқтисодиёт ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 340000 – Иқтисодиёт ва бизнес
Таълим йўналиши: 5340300 – Маркетинг (товарлар ва хизматлар)

**“ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ ”
фанидан**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент-2010

Тузувчи: Назарова Ф.М. – иқтисод фанлари номзоди, доцент
Каримова Р.Н. - доцент

Такризчилар: Эргашходжаева Ш.Ж. – иқтисод фанлари номзоди, доцент
Абдухалилова Л.Т. – иқтисод фанлари номзоди, доцент

МУНДАРИЖА

1. Фан дастури	2
2. Ишчи ўқув дастури	12
3. Таълим технологияси	37
4. Семинар машғулотлар учун	
- кейс стадийлар ва масалалар	186
- ўқув лойихалари	222
5. Барча назорат турлари учун тайёрланган топшириқлар	238
- жорий назорат топшириқлари	240
- оралиқ назорат топшириқлари	245
- якуний назорат топшириқлари	254
6. Тест саволлари	265
7. Фандан умумий назорат саволлари	278
8. Глоссарий	288
9. Тарқатма ва тақдимот материаллари	294
10. Рейтинг тизими асосида талабалар билимини баҳолаш мезонлари	

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ _____
2010 йил “ ____ ” _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2010 йил
“ ____ ” _____ даги
“ ____ ” -сонли буйруғи билан
тасдиқланди

**“ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ”
фанининг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 300000 – Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқук
Таълим соҳаси: 340000 – Иқтисод ва бизнес
Таълим йўналиши: 5340300 –Маркетинг (товарлар ва хизматлар)

Тошкент-2010

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-услугий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2010 йил “___” _____даги “___” - сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Назарова Ф.М. – “Маркетинг” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди

Такризчилар:

Қориева Ё.– ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мудири, профессор, иқтисод фанлари доктори.

Азимова М.А. – «Файз» холдинг компанияси бош директори, иқтисод фанлари номзоди

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқув-услугий кенгашининг 2010 йил “___” _____даги “___” -сонли мажлис баёни билан тавсия этилган.

КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув даврида, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида маркетинг соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакатимиз таълим тизимида қўллаш бўйича ишларни олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида 2009 йилда барқарор иқтисодий ўсишига эришилди. Жумладан, барча макроиқтисодий кўрсаткичларни ўсиши кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” деб номланган асаридаги кўрсатмаларига асосан мутахассисларнинг касбий маҳоратини кўтариш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир¹.

Мамлакатимизда “Баркамол авлод” Давлат Дастуридан келиб чиққан ҳолда таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида ушбу фан дастури тузилди.

Ушбу намунавий дастурда халқаро маркетинг соҳасига боғлиқ барча асосий муаммоларни талабаларга ўқитиш мақсадига хизмат қилувчи мавзулар киритилган. Иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мамлакатнинг хўжаликларида ички ва ташқи бозорларга рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқиш ва етказиб бериш талаб этади. Айнан шу пайтда хўжалик фаолиятининг унумдорлигини ошириш мақсадида халқаро маркетингдан фойдаланиш нафақат мақсадга мувофиқ, балки объектив жиҳатдан зарурдир.

Халқаро маркетинг фани корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятини унумли олиб боришлари учун уларнинг ташқи бозорга йўналтирилган стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, нарх, товар, сотиш, коммуникация бўйича стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнини ўргатади.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишнинг мақсади талабаларга халқаро маркетингни назарий ва услубий асосларини ўргатишдан иборатдир.

Фанни ўқитиш мақсадидан келиб чиқиб унинг асосий вазифалари бўлиб бакалаврларни замонавий халқаро маркетинг концепцияси билан, унинг тамойиллари, вазифалари ва усуллари билан, баҳо ва экспорт товар сиёсатларининг моҳияти ва уларнинг халқаро маркетингдаги аҳамияти билан, халқаро маркетинг стратегиялари билан ва халқаро коммуникация воситалари билан чуқур ва ҳар томонлама таништириш, ўргатиш ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 62 бет.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Халқаро маркетинг” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- халқаро бозорда фирма стратегиясини ишлаб чиқиш усуллари, таҳлилнинг корелляция-регрессия моделларини ва маҳсулот экспортини прогнозлашиш, янги товарларни ишлаб чиқиш усуллари ва уларни халқаро бозорга жорий қилишни, халқаро бозорни ўрганиш ва сегментлашнинг усул ва услублари, баҳони шакллантиришни бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, жаҳон бозорида ТШЎРни олиб боришни, жаҳон бозорида товарларни етказиб бериш, сақлаш ва унумли фойдаланиш усуллари, аниқ ҳолатларда қарор қабул қилиш усуллари, замонавий ахборот технологияларини ва интернет тармоғида ишлаш олишни **билиши керак**;

- халқаро маркетингнинг назарий ва услубий асослари ҳақида, экспорт товар сиёсати ҳақида, халқаро бозорда баҳони шакллантириш усуллари, сервис хизматини ташкил қилиш ҳақида, халқаро бозорга чиқишнинг шакл ва усуллари ҳақида, коммуникациянинг халқаро воситалари ҳақида, инвестициялар бўйича ватанимиз ва чет эллардаги тажрибалар ҳақида, бошқаришни такомиллаштириш йўллари ва халқаро бозорда иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари ҳақида **кўникмаларга эга бўлиши керак**;

- халқаро маркетинг тадқиқотларини, экспорт товар сиёсатини бошқаришни, янги товарларни ишлаб чиқишни ва уларни халқаро даражада позициялашни, баҳо, сервис ва реклама сиёсатларини бошқаришни, товарни шакллантиришни ва ўтқазувни рағбатлантиришни, товарларни халқаро талабларга мослашни, чет эл инвестициялари стратегиясини ишлаб чиқиш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

“Халқаро маркетинг” фани ихтисослик фани ҳисобланиб, 7-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий-илмий фанлар(олий математика, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, иқтисодий математик усуллар ва моделлар), умумқасбий (микроиқтисодиёт, статистика, менежмент ва ҳ.к.) ва ихтисослик (маркетинг тадқиқотлари, маркетингни бошқариш, халқаро маркетинг) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Сўнгги вақтда турли мулкчилик шаклдаги корхоналар, товар ишлаб чиқарувчи савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ишбилармонлар, тадбиркорларнинг мамалакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга ишончи ортди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим усутувор

йўналишларини белгилаб берганлар. Устувор йўналишлардан бири – халқаро бозорларда экспорт салоҳиятини ошириш борасида, мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти соҳаларида ташқи бозорларга товар ишлаб чиқариш, сотиш ва аҳолига етказиш, истеъмолчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат. Мазкур устувор масаланинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экспорт салоҳиятини ўсишида хусусий сектор улушини кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва савдо тизимини янада эркинлаштиришни тақозо этади. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун иқтисодчи тадбиркорлардан бизнесни халқаро миқёсда юритиш усулларини билиш ва улардан оқилона фойдалана олиш талаб этилади. Шунинг учун ушбу фан асосий ихтисослик фани ҳисобланади.

Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари

Талабаларнинг “Халқаро маркетинг” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда интернет материалларидан кенг фойдаланилади. Маъруза ва амалий машғулот дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фан бўйича маъруза мавзулари ва уларнинг мазмуни

Халқаро маркетингнинг назарий асослари

Халқаро маркетинг тушунчаси ва моҳияти. Корхоналарнинг халқаро бозорга кириб бориши. Халқаро маркетингнинг ривожланиш босқичлари. Жаҳон хўжалиги миқёсидаги маркетинг операциялари. Трансмиллий корпорацияларга хос бўлган маркетинг операциялари. Халқаро маркетингнинг замонавий концепцияси. Халқаро маркетинг фаолиятини омиллари. Глобаллашув жараёнларининг кенгайиши. Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштириш. Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон Иқтисодиётига таъсири. Жаҳон молиявий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар. Глобал маркетинг. Жаҳон иқтисодиётининг интернационаллашуви. Халқаро бозорга кириб боришнинг усуллари. Ташқи иқтисодий муносабатларни ривожлантириш муаммолари. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви. Жаҳон хўжалиги билан уйғунлашув.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш ҳамда глобаллашув шароитларида халқаро маркетингни ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига доир маърузасининг ҳамда “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” деб номланган асарининг фанни ўқитишдаги роли ва аҳамияти.

Халқаро маркетинг муҳити

Халқаро маркетинг муҳитини ўрганиш. Халқаро савдо тизими. Валюта назорати. Иқтисодий муҳити. Хом ашё экспорт қилувчи мамлакатлар. Саноати ривожланаётган мамлакатлар. Даромад тақсимооти. Хўжалик структураси. Сиёсий-ҳуқуқий муҳити. Сиёсий барқарорлик. Давлат машинаси. Валюта чекловлари. Хорижий мамлакатнинг ҳуқуқий структураси. Халқаро ҳуқуқ. Маданий муҳитини ўрганиш. Дин ва унинг жамиятдаги роли. Тадбиркор фаолиятининг ҳуқуқий таъминланиши. Технологик муҳити. Бевосита инвестицияларни тартибга солиш қоидаси. Халқаро майдонда инвестицион фаолликнинг пасайиб бориши. Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга таъсири.

Халқаро маркетингнинг ахборот тизими

Халқаро ахборот тизими. Ташқи маркетинг ахборотини тўплаш тизими. Халқаро бозорлар фаолияти ҳақида ахборот бюллетенларининг нашр этилиши. Харидорлар муҳтожликларидан харидорлар эҳтиёжларига ўтиш. Бирламчи ахборотларни йиғишни режалаштириш ва ташкил қилиш. Ахборотларни танлаб олишга бўлган ёндашувлар. Маркетинг ахборот тизими концепцияси ва унинг устун томонлари. Маркетинг ахбороти манбалари, маркетингни бошқариш учун ахборотларни саралаш, қайта ишлаш ва тайёрлаш. Маркетинг режаларини мувофиқлаштириш. Статистика банки. Моделлар банки. Инновацион технологияларни кенг жорий этиш. Жаҳон бозорига чиқишда ахборотларни ўрни.

Халқаро маркетингда таҳлилий функцияси

Ташқи бозорларни ўрганиш. Ажратиш мезонлари. Мақсадли ташқи бозорларни танлаш хусусиятлари. Бозорни сегментлаш. Халқаро маркетинг тизимида харидорларни сегментлаш. Макродаража. Микродаража. Харидорлар маданиятининг глобализациялашуви. Миллийликдан юқори сегментларни идентификация қилиш. Халқаро бозорни мамлакатлар гуруҳлари бўйича сегментлаш. Халқаро бозор тузилишини таҳлили. Фирманинг рақобат афзалликларини баҳолаш. Хорижий воситачиларни ўрганиш ва танлаш мезонлари. Хорижий фирмаларни танлаш усуллари ва таҳлили. Иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги ва молиявий-иқтисодий тизимига интеграциялашуви жараёни.

Халқаро бозорда маркетинг тадқиқотларни ташкил этиш амалиёти ва услуги

Халқаро маркетинг тадқиқотлари, унинг моҳияти ва таркиби. Маркетинг тадқиқотларининг ривожланиш омиллари. Тадқиқот гипотезаларини яратиш. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш жараёни. Халқаро маркетингда тадқиқот ва бозорни танлаш тамойиллари. Тадқиқот объектини аниқлаш. Танлаб олиш тузилмасини аниқлаш. Танлаб олиш ҳажмини аниқлаш. Танлаб олиш струкутрасига икки ёндашув. Эҳтимолли ва детерминацияланган. Халқаро маркетинг соҳасидаги асосий муаммолар. Импорт ва экспорт жараёнларини тартибга солувчи қонунчилик талаблари. Маҳсулотларни солиққа тортилиши. Шартнома тузиш қонунчилиги. Молиялаштириш. Товарларни транспортировка қилиш. Техник талаблари. Валюта муносабатлари. Фойдани репартацияси. Криминал фаолият билан тўқнашиш. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. Ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш.

Халқаро маркетинг стратегиялари

Халқаро бозорда фирмалар стратегияси. Хужум қилувчи, химояланувчи стратегиялар, чекиниш стратегияси. Халқаро бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш усуллари. Тизимлилиқ - бозорни кузатиш ва таҳлил қилиш. Халқаро бозорларни прогнозлаш. Маркетинг стратегик режалаштиришининг босқичлари. Бозор чегараларини кенгайтириш стратегияси. Фаол экспансия стратегияси. Социологик тадқиқот. Бозорларни рангларга ажратиш. Халқаро бозорни прогнозлаш. Стратегик режалаштириш. Фирма дастури. Фирманинг мақсад ва вазифалари. Хўжалиқ портфелини ривожланиш режаси. Фирманинг ўсиш стратегияси. Бостон консалтинг гуруҳининг схемаси. Жорий режалаштириш ва халқаро маркетингда назорат. Фирмаларнинг стандартлаштирилган, стандартлаштирилмаган ва глобал ёндашувлари. Халқаро маркетингни режалаштиришга комплекс ёндашув. Инқирозга қарши чоралардастурида белгиланган комплекс чора-тадбирлар орқали корхона фаолиятида маркетинг стратегияларини қўллаш.

Халқаро маркетинг тизимида товар ва товар сиёсати

Халқаро бозорга етказиб берилётган товарларнинг умумий тавсифномаси. Товар ассортименти кенглиги. Товар сиёсатини шакллантириш. Товар сифати. Маҳсулотни мослаштириш. Маҳсулотни таннархини пасайтиришнинг асосий йўналишлари. Товар стратегияси. Оддий кенгайтириш стратегияси. Экспорт товар стратегияси. Товар модификациясининг асосий вариантлари. Тўлиқ стандартлаш стратегияси. Коммуникация алоқаларини модификациялаш стратегияси. Мослашиш ва стандартлаш стратегиялари. Жаҳон бозорларида товарларни расмийлаштириш ва упаковкалаш. Халқаро бозорда товар рақобатбардошлиги. Рақобатбардошлиқ ва сифатни таъминлаш тизимида сификациялаш и стандартлаш. Экспорт товар сиёсатининг моҳияти. Давлат томонидан тартибга солиш ва назорат, бош лицензия, индивидуал лицензия. Экспорт товар сиёсатининг турлари: концентрик, горизонтал, конгломератив. Экспорт сиёсатида упаковка, маркалаш ва сервис. Халқаро савдода сервис

хизмати. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалари.

Халқаро маркетингда нархлар, нархни шакллантириш, нарх сиёсати

Халқаро маркетингда баҳо шаклланишининг ўзига хос томонлари. Базис нархлари. Шартнома нархлари. Нарх стратегиялари. «Қаймоғини олиш» стратегияси. «Кириб бориш» стратегияси. «Сиқиб чиқариш сиёсати» стратегияси. «Нарх етакчиси» стратегияси. «Табаклаштирилган нарх» стратегияси. Дискриминация. Бозор шароитида баҳо шакллантирилишининг асослари. Давлатнинг роли. Давлатнинг нархга таъсир кўрсатиш усуллари. Демпинг. Ишлаб чиқаришнинг байналминал нархи. Жаҳон нархи. Нарх даражалари. Ташқи савдо статистика нархлари. Баҳолар тизими ва унинг бозорда таснифланиши. Баҳо даражасига таъсир этувчи омиллар. Чегирма ва мукофотлар маркетингда баҳо шакллантиришнинг усуллари сифатида. Баҳо ва сифат кўрсаткичларига таалуқли бўлган маркетинг стратегияси. Экспорт харажатлари. ИНКОТЕРМС етказиб беришлари базиси асосидаги жаҳон баҳолари. Маркетингда баҳони ҳисоблаш усуллари. Нархлар индекси. «Ўртача харажатлар плус фойда» усули. Товарнинг ҳис қилинувчи қиймати асосидаги усул. Нархни жорий нархлар даражасида белгилаш усули. Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш.

Халқаро бозорга йўналтирилган маркетинг хизматини яратиш

Маркетинг хизмати таркиби ҳақида қарор қабул қилиш. Экспорт бўлими. Чет давлатларга сотиш. Қўшма корхоналар. Халқаро филиал. Трансмиллий компания. Маҳаллий ёки халқаро бозордаги фаолият. Ички бозорнинг имкониятлари. Халқаро маркетинг муҳити. Халқаро савдо тизими. Самарали ташкилий таркиб. Маркетингни режалаштириш. Халқаро миқёсда бошқариш. Стратегияни танлаш. Ташкилий таркиб. Маркетингни бошқариш. Маркетинг хизматини яратиш бўйича чет эллардаги тажрибалар. Маркетинг хизматининг асосий функциялари. Маркетинг хизмати ходимларини танлаш, ўқитиш ва хизматга йўналтириш. Маркетинг фаолиятининг аниқлаштирилган режаларини тузиш. Маркетинг фаолияти натижаларини баҳолаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маркетинг дастурини ишлаб чиқиш йўллари.

Халқаро савдо битимлари

Олди-сотди битимлари. Экспорт битимлари. Реэкспорт битимлари. Реимпорт битимлари. Императив муддат. Диспозитив муддат. Аниқланган муддат. Тўғри котировка. Кросс-курс. Валюта опционни. Валюта арбитражи. Форвард битимлар. Фьючерс битимлар. Товар айирбошлаш битимлари. Жавоб тариқасидаги харидлар. Офсет битимлари. Компенсацион битимлари. Бартер савдоси. «Свич» ёки «Своп» савдоси. Клиринг келишувлари. Эркин конверсияли клиринг. Конверсиясиз клиринг. Чекланган конверсияли клиринг. Икки ёклама ҳисоб тизими. Агентлик келишувлари. Оддий агентлик тўғрисида келишуви. Агентлик монопол ҳуқуқи. Устунлик ҳуқуқи. Лизинг битимлари.

Турли мамлакатларда савдо амалиётининг ташкил этилиши ва монополияларга бўлган муносабатлар. Савдонинг асосий мезонлари бўйича ташқи савдо операцияларининг таснифланиши. Валютани тартибга солиш бўйича қарорлар. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортни ва импортни лицензиялаш.

Товарларни халқаро бозорга йўналтириш

Халқаро бозорларда товарларни тарқатиш каналлари. Савдонинг ташкилий шакллари. Чет мамлакатларда товарларни реализация қилишнинг тижорат шакллари ва усуллари. Тақсимлаш канални структураси. Давлатлараро каналлар. Сотувчи. Давлатдаги ички каналлар. Тақсимлаш каналларни даражаси. Тақсимлаш каналларининг турлари. Вертикал маркетинг тизими. Шартномавий вертикал маркетинг тизими. Копоратив вертикал маркетинг тизими. Бошқариладиган вертикал маркетинг тизими. Чакана савдогарлар кооперативлари. Ишлаб чиқарувчи эгидаси остида чакана савдо имтиёз эгалари тизими. Горизонтал маркетинг тизими. Йирик чет эл биржа савдоларида иштирок этиш. Сотувчи. Халқаро маркетинг хизмати. Давлатлараро каналлар. Давлат ичидаги каналлар. Пировард фойдаланувчилар. Халқаро бозорда товарларни илгари суриш муаммолари. Халқаро транспорт тизимларини ривожлантириш. Юкларни ташиш бўйича халқаро транспорт тизимларини тузиш. Алоқанинг турли шаклларини яратиш ва жорий қилиш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида товарларни халқаро бозорларга йўналтириш йўллари.

Маркетинг коммуникацион тизими ва сотувни рағбатлантириш

Халқаро маркетинг коммуникацион тизимларининг турлари. Оммавий ахборот воситалари. Паблик рилейшнз. Директ-маркетинг. Реклама жараёнининг моҳияти. Реклама берувчининг асосий функциялари. Рекламанинг назорат қилувчи ва тўғрилаб боровчилик функциялари. Маҳсулотни «ёшартириш» усуллари. «Брендинг». Халқаро реклама хабарларини етказишда турли тарқатиш каналларидан фойдаланиш. Халқаро савдо ярмаркаларини ўтказиш. Халқаро савдо-саноат кўргазмаларида иштирок этиш. Сотувни рағбатлантириш. «Сейлз промоушн» воситалари. Психологик таъсир этиш. Ижтимоий обрў-эътибор. Реклама таклифининг обрўлилиги. Товар белгиси. Товар гуруҳларининг образи. Товар ёки фирма эмблемаси. Товар белгисининг ассоциатив хажми. Мерчандайзинг. Намуналарни бепул тарқатиш. Жамоатчиликнинг товарга муносабатини шакллантириш. «Паблик рилейшн» тадбирлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида маркетинг коммуникацион тизими ва сотувни рағбатлантириш омиллари.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

ва тавсиялар

“Халқаро маркетинг” фани бўйича амалий ва семинар машғулотлари талабаларнинг фани назарий ва амалий жихатларини чуқурроқ

тушунишларига ёрдам беради. Амалий ва семинар машғулотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари батафсил ўрганилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

“Халқаро маркетинг” фани бўйича амалий ва семинар машғулотлари талабаларнинг фанни назарий ва амалий жihatларини чуқурроқ тушунишларига ёрдам беради. Амалий ва семинар машғулотларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари батафсил ўрганилади.

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

1. Замонавий босқичдаги халқаро маркетинг
2. Халқаро маркетинг концепцияси
3. Халқаро маркетинг ахборот тизими
4. Халқаро бозорни маркетинг тадқиқоти
5. Халқаро маркетинг стратегиялари
6. Халқаро маркетинг тизимида товар ва товар сиёсати
7. Халқаро маркетингда нархлар, нархни шакллантириш, нарх сиёсати
8. Халқаро бозорга йўналтирилган маркетинг хизматини яратиш
9. Халқаро савдо битимлари
10. Товарларни халқаро бозорга йўналтириш
11. Халқаро коммуникацион воситалари
12. Халқаро маркетингда сотувни рағбатлантириш

Амалий ва семинар машғулотлари талабалар билан блиц – сўров саволлари, “давра суҳбати” мунозараси шаклида ўтказилади. Ақлий ҳужум услуби асосида талабалар фаолияти фаоллаштирилади. Амалий ва семинар машғулотларида талабалар бир неча гуруҳларга бўлинади ва уларга муҳокама қилиш учун саволлар берилади. Хар бир гуруҳга натижаларни баҳолаш варағи тарқатилади. Хар бир гуруҳдан етакчи ўз гуруҳининг жавобларини тақдим қилади. Хар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар жавобларини баҳолайди. Бундан ташқари амалий ва семинар машғулотларида машғулот мавзусига оид бўлган масала ва мисоллар, тест саволлари ечилади, кейс-стадилар муҳокама қилинади, ҳамда ишбилармон ўйинлари ўтказилади. Талабалар амалий ва семинар машғулотларида уй вазифасини бажариш бўйича берилган топшириқлар ва рефератларни тақдимот қиладилар. Тақдимот жараёнида POWER POINT дастуридан кенг фойдаланилади. Пинборд техникаси, Венна диаграммаси, Т-схема, SWOT тахлили, “Синквейн”, “Нима учун”, “Қандай”, “Кооп-кооп” ва бошқа график органайзерлардан фойдаланиш амалий ва семинар машғулотлари сифатини яхшилашга ҳамда талабаларнинг мавзунини ўзлаштириш даражасини оширишга ёрдам беради.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълимнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, унда талаба ўқитувчи раҳбарлигида фан бўйича янги билимларни, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштириш, ижодий фаолиятни амалга ошира олади.

Ушбу шаклларга қуйидагилар тегишлидир:

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- масофавий таълим;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланилган ўқув машғулоти.
- ўқув қўлланмалари ёрдамида фан мавзуларини ўрганиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Халқаро маркетингнинг услубий асослари.
2. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида халқаро маркетинг муҳитини ўрганиш.
3. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида ташқи бозорларни ўрганиш.
4. Мақсадли ташқи бозорларни танлаш хусусиятлари.
5. Халқаро маркетинг тадқиқотлари, унинг моҳияти ва таркиби.
6. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фирмалар стратегияси.
7. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини маркетинг тамойиллари асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.
8. Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитларида маркетингни ривожлантиришни ўзига хос хусусиятлари.
9. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида халқаро баҳо шаклланишининг ўзига хос томонлари.
10. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини тубдан ўзгартириш, уни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида интернет муҳитида халқаро маркетинг концепцияси ва мультимедиа технологиялари.

Информацион-методик таъминот

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий усуллари, педагогик ва ахборот - коммуникациялари технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

Маъруза машғулотида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан, амалий машғулотларда ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Асосий адабиётлар

1. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 184 стр.

2. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 200 стр.

3. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 256 стр.

Кўшимча адабиётлар

1. Беляев В.И. Маркетинг: основы теории и практики. Учебник.– М.: КНОРУС, 2010. – 680 стр.

2. Данько Т.П. Управление маркетингом: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 363 стр.

3. Панкрухин А.П. Маркетинг. Учебное пособие. - М.: Омега-Л, 2009, - 656 стр.

4. Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг.Учебник. – СПб.: Питер, 2009, – 736 стр.

5. Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. Ўқув қўлланма. – Т.: ART-FLEX, 2008. – 384 бет.

6. Юсупов М., Абдурахмонова М.М. Маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2007. – 157 бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



«Халқаро бизнес» факультети

Рўйхатга олинди

№ _____

« ____ » _____ 2010 й.

«Тасдиқланган»

«Халқаро бизнес» факультети
Илмий кенгаш раиси М.С.Қосимова

_____ 2010 й.

«Маркетинг» кафедраси

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ

Билим соҳаси:	300000	- Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	340000	- Иқтисод ва бизнес
Таълим йўналиши:	5340300	- Маркетинг (товарлар ва хизматлар)

**«ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ»
фанидан**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тошкент - 2010

Ишчи ўқув дастури «Халқаро бизнес» факультети Илмий кенгашида муҳокама қилиниб, 2010 йил «___» _____даги _____сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

“Маркетинг” кафедраси

мажлиси раиси _____ доц. Эргашходжаева Ш.Ж.

(кафедра мажлисининг №___ сонли баённомаси

«___» _____ 2010 й.)

Такризчилар:

Қориева Ё.– ТДИУ “Ташқи иқтисодий фаолият” кафедраси мудири, профессор, иқтисод фанлари доктори.

Мирзаев О.Я – ТДИУ “Маркетинг” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Тузувчи:

Назарова Ф.М. - ТДИУ, “Маркетинг” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

© «Халқаро маркетинг» фани (ишчи ўқув дастур). - Т.: ТДИУ, 2010. - 30 бет.

Кириш

Иқтисодиётда таркибий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялашни янада чуқурлаштириш, унинг кўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишда “Халқаро маркетинг” фани муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги кунда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида истеъмолчилар талабининг ўзгариши, реал секторда яратилаётган товар ва хизматлар нархининг шаклланиши, фойдани максималлаштириш, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш шунингдек, нархга ва бошқа омилларга боғлиқ талаб ва таклиф эластиклигининг мазмун моҳияти, давлатнинг бозорга аралашуви, яъни товарларга минимал ва максимал нархларни ўрнатиш ва унинг оқибатлари билан боғлиқ тушунчалар ва қарашлар ҳамда тизимий таҳлил қилишда “Халқаро маркетинг” фани алоҳида ўрин тутди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “... аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади”².

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” ҳамда “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир” номли асарларида келтирилган маълумотлар, асосий тушунча ва қарашлар, устувор йўналишлар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятларида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фаннинг олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ушбу вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ва уларни ижобий ечиш йўллари аниқлашни тақозо этади. Бу йўллари тўғри топиш «Халқаро маркетинг» фанининг назарий ва амалий асосларини мукамалроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Ушбу фан халқаро бозорга чиқишнинг шакл ва усулларини, турли мулкчиликка асосланган корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятида маркетингни ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштиришни, уларнинг бозорга йўналтирилган стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари талабаларга ўргатишда қўл келади. Шунингдек, “Халқаро маркетинг” фани фундаментал фанлардан бири бўлиб, бошқа иқтисодий фанларни чуқур ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

² И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 бет.

Фанга ажратилган ўқув соатларининг ўқув турлари бўйича тақсимоти

№	Мавзу	Аудитория соатлари				Мустақил иш	Жами
		Жами	Шу жумладан:				
			Майруза	Амалий (семинар)	Тажриба		
7-семестр							
1.	Халқаро маркетингнинг назарий асослари	10	6	4		6	16
2.	Халқаро маркетинг муҳити	12	6	6		6	18
3.	Халқаро маркетинг ахборот тизими	8	4	4		6	14
4.	Халқаро маркетингда таҳлилий функцияси	8	4	4		8	16
5.	Халқаро бозорда маркетинг тадқиқотларни ташкил этиш амалиёти ва услуги.	12	6	6		6	18
6.	Халқаро маркетинг стратегиялари	12	6	6		8	20
7.	Халқаро маркетинг тизимида товар ва товар сиёсати	12	6	6		8	20
8.	Халқаро маркетингда нархлар, нархни шакллантириш, нарх сиёсати	12	6	6		8	20
9.	Халқаро бозорга йўналтирилган маркетинг хизматини яратиш	8	4	4		6	14
10.	Халқаро савдо битимлари	12	6	6		8	20
11.	Товарларни халқаро бозорга йўналтириш	8	4	4		6	14
12.	Маркетинг коммуникацион тизими, хорижий бозорларда талабни шакллантириш ва сотувни рағбатлантириш	12	6	6		8	20
	Жами	126	64	62		84	210

АСОСИЙ ҚИСМ

1. МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Замонавий халқаро маркетингнинг назарий асослари (6 соат)

1- маъруза машғулоти

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикада ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши.

2. Халқаро маркетинг тушунчаси ва моҳияти.

3. Халқаро маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари.

2- маъруза машғулоти

1. Халқаро маркетингнинг жиҳатлари, тамойиллари ва турлари.

2. Халқаро маркетингни ташкил этиш босқичлари.

3. Халқаро маркетингнинг асосий концепциялари.

3- маъруза машғулоти

1. Халқаро бозорларга кириб бориш усуллари.

2. Корхоналарнинг халқаро фаолиятини ташкил этиш.

3. Халқаро маркетинг соҳасидаги асосий муаммолар.

4. Ўзбекистоннинг 2009 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва 2010 йилдаги иқтисодий ислохотларни энг муҳим устувор йўналишларига доир ташқи иқтисодий фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Интерактив усули.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.

2. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

4. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 4058 – сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009йил 20 январдаги ПҚ - 1041-сонли. Қарори

7. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 18 – 25с.

8. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 11-34 с.

9. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 12-15 с.

10. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 10-33б.

2-мавзу. Халқаро маркетинг мухити (6 соат)

1- маъруза машғулоти

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида халқаро савдо тизими.
2. Иқтисодий маркетинг мухитини ўрганиш.
3. Сиёсий маркетинг мухити. Сиёсий тартибни мезонлари.

2- маъруза машғулоти

1. Хорижий бозорларда корхоналарнинг ташқи фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.
2. Маданий мухити, миллий истеъмол маданиятининг хусусиятлари.
3. Инвестицион сиёсати.

3- маъруза машғулоти

1. Хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоялаш ва суғурталаш.
2. Республикада таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция мухити яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар.
3. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқ ва соҳаларида инвестиция дастурларининг амалга оширилиши.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: “Блиц сўров”, “Ақлий хужум”, кластер, И. Ишикава диаграммаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

2. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

3. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 26 – 45с.

4. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 23-57 с.

5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 115-126 с.

6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 34-63б.

3-мавзу. Халқаро маркетинг ахборот тизими (4 соат)

1- маъруза машғулоти

1. Экспертлик марказларининг глобал молиявий инқироз борасидаги хулосалари.

2. Халқаро маркетингда ахборот таъминоти.

3. Маркетинг ахборот тизими концепцияси ва унинг афзалликлари.

4. Маркетинг ахборот тизимининг қисмлари ва уларнинг тавсифномаси.

2- маъруза машғулоти

1. Ахборот тўплаш усуллари.

2. Маркетинг ахборот тизимининг асосий элементлари.

3. Маркетинг ахборот манбалари, бошқариш учун маълумотларни қайта ишлаш ва тайёрлаш.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: «Блиц-сўров», «Инсерт» техникаси, график органайзерлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 46 – 63с.

3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 55-68 с.

4. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 72-87 с.

5. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 64-83б.

6. Беляевский И.К. Маркетинговые исследования: Информация, анализ, прогноз. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2008, 20-55б.

4-мавзу. Халқаро маркетингда таҳлилий функцияси (4 соат)

1- маъруза машғулоти

1. Ташқи бозорларни комплекс ўрганишнинг хусусиятлари.

2. Жаҳон бозорни сегментлаш усуллари.

3. Бозорни сегментлаш бўйича маълумотларнинг таҳлили.

2- маъруза машғулоти

1. Бозор конъюнктурасининг асосий кўрсаткичлари.

2. Халқаро бозор конъюктурасини прогнозлаш усуллари.

3. Хорижий фирмаларни танлаш усуллари ва таҳлили.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: «Блиц-сўров», кластер, Ишикава диаграммаси, «Нима» техникаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.
2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 64 – 78с.
3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 76-99 с.
4. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 112-156с.
5. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 85-93б.
6. Беляевский И.К. Маркетинговые исследования: Информация, анализ, прогноз. Учеб. пособ. – М.: ФиС, 2008, 20-55б.

5-мавзу. Халқаро бозорда маркетинг тадқиқотларни

ташқил этиш амалиёти ва услуги (6 соат)

1- маъруза машғулоти

1. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва модернизация қилиш шароитида маркетинг тадқиқотларни моҳияти.
2. Маркетинг тадқиқотларни йўналишлари.
3. Маркетинг тадқиқотларни ўтказиш жараёни.

2- маъруза машғулоти

1. Хона тадқиқотлари. Иккиламчи маълумотларни еғиш, қайта ишлаб чиқиш ва систематизациялаш.
2. Ташқи бозорлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни «Интернет» тизимидан олиш имкониятлари.
3. Ташқи бозорларда дала тадқиқотлари.

3- маъруза машғулоти

1. Халқаро ярмаркалар ва кўрғазмалар бирламчи ахборотларни манбаси сифатида.
2. Бозор тадқиқотларни халқаро кодификацияси.
3. Халқаро бозорда маркетинг тадқиқотларни ташқил этиш амалиёти

Кўлланиладиган педогогик технологиялар: «Инсерт» техникаси, «Ақлий хужум» усули, график органайзерлар.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли

маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

2. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

3. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 80– 98с.

4. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 106-114 с.

5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 134-156 с.

6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 95-103б.

6-мавзу. Халқаро маркетинг стратегиялари (6 соат)

1- маъруза маишулоту

1. Халқаро бозорда фирма стратегияларининг турлари ва хусусиятлари.
2. Замонавий ракобат стратегиялари.
3. И. Ансоффнинг матрицаси. М. Портернинг ракобат модели. «Бозор улушини ўсиш» матрицаси.

2- маъруза маишулоту

1. Стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш моҳияти.
2. Оммавий ва дифференциал маркетинг. Диверсификация стратегияси.
3. Миллий корхоналарда амалга ошириладиган маркетинг стратегиялари.

3- маъруза маишулоту

- 1.Халқаро молиявий-иқтисодий инкироз шароитида фирмалар стратегияси.
2. Маркетинг стратегик режалаштиришининг босқичлари.
3. Фирмаларнинг стандартлаштирилган, стандартлаштирилмаган ва глобал ёндашувлари

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: «Инсерт» техникаси, «Ақлий хужум» усули, категориал жадвал.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.
2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 112-134с.
3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 116-124 с.
4. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008.
5. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 105-113б.

7-мавзу. Халқаро маркетинг тизимида товар ва товар сиёсати (6 соат)

1- маъруза маишулоту

1. Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб – қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора тадбирлари.

2. Халқаро бозорга етказиб берилувчи товарнинг умумий тавсифномаси.

3. Товар сиёсатининг шаклланиши.

4. Жаҳон бозорларида товарларни қадоқлаш ва безаш.

2- маъруза машғулот

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида товарларни сифати ва рақобатбардошлигини ошириш зарурати.

2. Рақобатбардошлик ва сифатни таъминлаш тизимида сертификация ва стандартлаш.

3. Экспорт товар сиёсатининг моҳияти ва турлари. Экспорт товарнинг бозор салоҳиятини белгилаш.

3- маъруза машғулот

1. Экспорт товар ассортиментини режалаштириш.

2. Экспорт сиёсатида товарларни ўраш, маркалаш.

3. Халқаро савдода сервис хизмати.

4. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хизматлар кўрсатиш соҳасини янада жадал ривожлантириш ишларини олиб бориш.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: мулоҳаза, савол-жавоб техникаси, Венна диаграммаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 137-145с.

3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 136-144 с.

4. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008.

5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 134-188 с.

6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 115-124б.

7. Панкрухин А.П. Маркетинг: учеб. для студентов, обучающихся по специальности «Маркетинг» / А.П. Панкрухин; Гильдия маркетингологов.- М.: Омега-Л, 2009

8-мавзу. Халқаро маркетингда нархлар, нархни шакллантириш, нарх сиёсати (6 соат)

1- маъруза машғулот

1. Нарх сиёсатини амалга оширишда глобал молиявий инқирознинг таъсири.

2. Халқаро маркетингда баҳо шаклланишининг ўзига хос томонлари.
3. Ташқи савдода нархни шаклланишининг асосий шакллари.
4. Давлатнинг нархга таъсир кўрсатиш усуллари.

2- маъруза машгулоти

1. Нарх стратегияларни турлари.
2. Ташқи савдо нархларни ҳисоб-китобларга умумий услубий йўналишлари.
3. Маркетингда нархларни ҳисоблаш усуллари.

3- маъруза машгулоти

1. Экспорт харажатлари.
2. Маркетингда чегирма ва муқофотлар - нарх шаклланишининг элементи сифатида.

3. ИНКОТЕРМС таъминот базиси асосидаги жаҳон баҳолари.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: савол-жавоб техникаси, Т-схема, Каскад техникаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.
2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 156-177с.
3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 146-154 с.
4. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008.
5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 157-198с.
6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 135-142 б.
7. Панкрухин А.П. Маркетинг: учеб. для студентов, обучающихся по специальности «Маркетинг» / А.П. Панкрухин; Гильдия маркетологов.- М.: Омега-Л, 2009
8. Федько В.П. Маркетинг. – Ростов н/Д: Феникс, 2008

9-мавзу. Халқаро бозорга йўналтирилган маркетинг хизматини яратиш (4 соат)

1- маъруза машгулоти

1. Халқаро маркетинг фаолиятини бошқариш усуллари.
2. Трансмиллий корпорацияларни ташкилий тузилмалари.
3. Маркетинг хизматини яратиш тамойиллари.

2- маъруза машгулоти

1. Товар ва бозор тамойили бўйича маркетинг хизматини хусусиятлари.
2. Функционал тамойили бўйича маркетинг хизматини хусусиятлари.

3. Маркетинг хизматини яратишнинг хорижий тажрибалари.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Блиц-сўров, Каскад техникаси, Т-схемаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.
2. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 118-133с.
3. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 156-175 с.
4. Кревин, Дэвид, В. Стратегический маркетинг, 6-е изд. – М.: «Вильямс», 2008.
5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 211-225с.
6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 155-162 б.
7. Панкрухин А.П. Маркетинг: учеб. для студентов, обучающихся по специальности «Маркетинг» / А.П. Панкрухин; Гильдия маркетологов.- М.: Омега-Л, 2009
8. Федько В.П. Маркетинг. – Ростов н/Д: Феникс, 2008

10-мавзу. Халқаро савдо битимлари (6 соат)

1- маъруза машгулоти

1. Мамлакатимизда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги ютуқлар.
2. Халқаро савдо битимларни тайёрлаш асосий босқичлари.
3. Халқаро савдо битимлари бўйича тижорат келишувлари.

2- маъруза машгулоти

1. Халқаро олди-сотди битимлар ва уларнинг турлари.
2. Халқаро олди-сотди шартномаларни ҳуқуқий таъминланиши.
3. Товар айирбошлаш битимлари.
4. Клиринг келишувлари.

3- маъруза машгулоти

1. Агентлик келишувлари.
2. Лизинг битимлари.
3. Турли мамлакатларда монополияга муносабат ва чекланган савдо амалиёти.

Қўлланиладиган педогогик технологиялар: Инсерт техникаси, блиц-сўров, категориал жавдал.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз

таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.

2. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

3. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 167-178с.

4. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 186-188 с.

5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 212- 219 с.

6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 165-172 б.

11-мавзу. Товарларни халқаро бозорга йўналтириш (4 соат)

1- маъруза маишулот

1. Халқаро маркетингда товарларни сотиш тизими.
2. Тақсимлаш каналларни структураси ва функциялари.
3. Хорижий бозорларда воситачиларни ишлаш шартлари.

2- маъруза маишулот

1. Тақсимлаш каналларни турлари.
2. Вертикал маркетинг тизимнинг асосий турлари.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида товарларни илгари суриш муаммолари.

Кўлланиладиган педогогик технологиялар: Инсерт техникаси, блиц-сўров, Пирамида техникаси.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Багиев Г.Л. Международный маркетинг – СПб.: Питер, 2007, 34-48б.

2. Дейнекин Т.В. Международный маркетинг и интернет маркетинг: уч.пособие – М.: МЭСИ 2007, 50-65б.

3. Карпова С.В. Международный маркетинг для студентов вузов. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2010. – 118-124 стр.

4. Карпова С.В. Практикум по международному маркетингу. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2010. – 188-198 с.

5. Носова Н.С. Конкурентная стратегия компании, или Маркетинговые методы конкурентной борьбы. Учебное пособие. - М.: Издательско – торговая корпорация «Дашков и К⁰», 2010.- 233-245 с.

6. Назарова Ф.М., Каримова Р.Н. Халқаро маркетинг. Ўқув кўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010, 178-183б.

12-мавзу. Маркетинг коммуникацион тизими ва сотувни рағбатлантириш (6 соат)

1- маъруза маишулот

1. Халқаро маркетинг коммуникация тизими турлари.
2. Замонавий реклама жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, функциялари, турлари.
3. Реклама фаол истиқболли йўналишлари. Брендинг, директ-маркетинг.

2- маъруза машгулот

1. Жаҳон реклама бозори (ҳолатининг ўзига хосликлари, тенденциялар).
2. Реклама бюджетини ишлаб чиқиш.
3. Сотувни рағбатлантириш, унинг моҳияти ва вазифалари.

3- маъруза машгулот

Ҳозирги пайтда бозор шунга ўхшаш товарлар билан тўйинган бўлиб, ўз навбатида бу қурилиш маҳсулотлари маркалари ўртасида рақобатнинг кучайишига олиб келди. Истеъмолчилар бундан фақат ютадилар, чунки қурилиш маҳсулотларининг очиқлик муаммоси истеъмолчи учун жиддий муаммо ҳисобланмайди. Бугунги кунда керакли маҳсулотни сотиб олиш мумкин бўлган жойлар – бозорлар, қурилиш дўконлари, павильонлар кўп бўлиб, улар кўриб чиқиладиган товарлар ассортиментини билан айнан бир хил товарларни таклиф қилади.

Фаолият кўрсатишининг дастлабки йилларида «DESK-INVEST» корхонаси ихтисослашув (бозор «ниша»сида марказлашув) стратегиясидан фойдаланди. Корхона ўз эътиборини битта сегментнинг эҳтиёжларига қаратиб, бутун бозорни қамраб олишга интилмади ҳам. Ҳозирги пайтда «DESK-INVEST» корхонасида сотувни кенгайтириш учун стратегияни қайта кўриб чиқиш зарурати туғилди.

Топшириқ: «DESK-INVEST» корхонасида мавжуд стратегияни таҳлил қилиш асосида сотув бозорини кенгайтириш бўйича маркетинг стратегиясини танлаш ва асослаб бериш.

«DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ҳақида ахборот

1. Объект тавсифномаси

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «DESK-INVEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, тижорат ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш мақсадида қатнашчиларнинг қўйилмаларини бирлаштиришга асосланган Таъсис шартномаси ва Низом асосида ташкил қилинган. Корхона таъсисчилари қуйидагилар ҳисобланади:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ҲОКИМИЯТИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ;


«Osiyo Granit» масъулияти чекланган жамияти;

«Qurilishbutlashxizmat» масъулияти чекланган жамияти;

«DESK Marketing Service GmbH» фирмаси;

АҚШ фуқароси.

Қатнашчиларнинг қўйилмалари ҳисобига 1.300.000 АҚШ доллари миқдорида Низом жамғармаси шакллантирилди. Бунда ҳар бир қатнашчининг қўйилмаси қуйидаги тарзда тақсимланган (1-расм):



1-расм. Таъсисчиларнинг низом капиталидаги улуши¹

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий мақсади эгик профиллар ва металл черепица ишлаб чиқариш бўйича завод қуриш ва ишга тушириш, хўжаликка илғор технологияларни жорий қилишдан иборат.

Корхона фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

эгик профиллар, металл черепица ва шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

савдо-воситачилик фаолияти;

ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ман қилинмаган кенг профилдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

ишлаб чиқаришга илмий ва истиқболли лойиҳалар, илмий-тадқиқотчилик ишларининг натижаларини жорий қилиш.

2. «DESK-INVEST» корхонасида маркетинг бўлими

Корхонанинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, маркетинг бўлимининг мақсадлари белгиланади. Маркетинг бўлимининг асосий мақсади бу – корхонанинг бутун хўжалик фаолиятини иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига мослашувчан йўналтириш, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олиш бўлиб, иқтисодий, режалаштириш, техник-ишлаб чиқариш, сотув ва тадқиқотчилик характеридаги комплексли ишларни уйғунлаштиради.

Маркетинг бўлими алоҳида структура сифатида ажратилган бўлиб, бевосита тижорат директорига бўйсунди. У барча бўлимлар билан ўзаро алоқа қилади ва қуйидаги функцияларни бажаради:

маркетинг фаолиятини режалаштириш.

Маркетинг режаси корхонани ривожлантириш стратегияси асосида тузилади. Ушбу стратегия доирасида маркетинг бўлимининг асосий вазифаси белгиланади. Айни пайтда бўлимнинг асосий вазифаси янги мижозларни жалб этиш, мавжуд мижозларни ушлаб қолиш ва уларнинг корхонага содиқлигини ошириш ҳисобланади. Корхона уни амалга ошириши лозим бўлган муддат, шунингдек, молиялаштириш ҳажми белгиланади. Шундан сўнг маркетинг бўлими асосий вазифани кичик вазифаларга тақсимлайди, уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва келажақдаги чора-тадбирлардан кутиладиган натижалар кўрсатилган умумий режа тузади. Маркетинг режаси корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

• бозор конъюнктурасини ўрганиш, ассортиментни режалаштириш. Бозор икки йўналишда ўрганилади: мижозлар ҳақида ахборот тўплаш ва таҳлил қилиш ҳамда рақобатчиларни тадқиқ этиш. «DESK-INVEST» корхонаси истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришни ўз фаолиятининг асосий мақсади этиб белгилаб қўйган. Рақобатчиларнинг ҳаракатлари ва истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш асосида корхона маҳсулот ассортиментини ишлаб чиқади.

имидж, реклама, кўргазмалар ва паблик рилейшнз. Рақобатчилар таҳлили ва истеъмолчиларнинг тузилган суратига асосланиб, маркетинг бўлими чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади, шу туфайли корхона бозорда рақобатчилардан фарқланадиган ва қулай жой эгалайди. Корхона асосан ташқи реклама ва сотув жойларидаги рекламдан фойдаланади.

• товар ҳаракатланишини ташкил қилиш. Товар ҳаракатланиши соҳасида корхонанинг мақсадлари қуйидаги тарзда шаклланади: истеъмолчига товар етказиб беришнинг сервис таъминоти максимал юқори даражаси; товарни ҳаракатлантиришда минимал харажатлар; белгиланган харажатлар даражасида етказиб бериш сервис таъминотининг максимал юқори даражаси. Металл черепица ёки эгик профиллар ва

¹ «DESK-INVEST» йўшма корхонасининг Низоми

бошқа маҳсулот тайёрлаш учун якка тартибдаги буюртмалар олишда товарни уйга етказиб бериш каби хизматлар ҳам тақдим этилади.

3. «DESK-INVEST» корхонасининг мижозлари

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий мижозлари куйидагилар ҳисобланади:

-йирик корхоналар,

-кичик корхоналар,

-у ёки бу турдаги қурилиш маҳсулотларига буюртма берувчи хусусий шахслар.

4. «DESK-INVEST» корхонасининг маҳсулоти

«DESK-INVEST» корхонаси бир нечта ассортимент гуруҳидаги қурилиш материаллари: 8 номдаги эгик профиллар; 6 номдаги металл черепица ишлаб чиқаради.

Бу турдаги товарлар истеъмолчиларнинг хоҳиш-истакларига қараб барча ҳажмларда катта миқдорда чиқарилади. Маҳсулотнинг бу турлари дизайни ва конструкцияси, ҳажми ва шакли билан ажралиб туради. Шунингдек, улар нархи бўйича ҳам фарқланади.

Охириги йилларда сотув бозорларида ҳар бир маҳсулот турининг ҳолати динамикасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ички бозорда маҳсулотнинг ҳолати¹

Кўрсаткич	2005	2006
Маҳсулот – эгик профиллар		
Сотув ҳажми, минг сўм	1 166 762	592 987
Фойда, минг сўм	200 930	49 764
Харажатлар, минг сўм	908 374	889 715
Маҳсулот – металл черепица		
Сотув ҳажми, минг сўм	2 108 345	2 975 155
Фойда, минг сўм	378 840	1 003 043
Харажатлар, минг сўм	1 897 416	3 433 205


Нарх белгилашда ҳисобга олинган асосий омил рақобатчиларнинг нархларини ўрганиш ҳисобланади. Рақобатчиларнинг нархларидан келиб чиқиб, «DESK-INVEST» корхонасининг маркетинг бўлими мутахассислари имкон қадар нархни пасайтиришга интиладилар. Хомашё тўғридан-тўғри, кўп сонли воситачиларсиз сотиб олигнади, бу ҳамма нарсадан ташқари нархга кутилаётган фойда даражасини киритишга ҳам имкон беради.

5. «DESK-INVEST» қўшма корхонаси фаолиятининг маркетинг таҳлили

А) Сотув бозори таҳлили

«DESK-INVEST» қўшма корхонаси саноат бозорида фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотларини улгуржи шаклда сотади.

Корхона томонидан маҳсулот бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган маркетинг тадқиқотлари натижасида маҳаллий бозорни ривожлантиришнинг кучли ва кучсиз томонлари аниқланди (2-расм).



2-расм. Корхонанинг асосий бозори SWOT – таҳлили.

«DESK-INVEST» корхонаси маҳсулотлари сотув бозори ҳақидаги асосий маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Сотув бозори ҳақидаги асосий маълумотлар

№	Кўрсаткичлар	Тошкент шаҳри	100 км. масофадаги аҳоли пунктлари
1	талаб даражаси	юқори	ўртача
2	талабни қондириш даражаси	ўртачадан юқори	ўртача
3	рақобат даражаси	юқори	ўртачадан юқори

Корхона маҳсулотлари бозори қурилиш маҳсулотларидан фойлаланиш характери асосида сегментланган. Бунда товар нархи ва сифати каби омиллар ҳисобга олинган.

Умуман, маҳсулот бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

бозор шароитлари истеъмолчиларни маҳсулот сифати ва баҳосига эътибор қаратишга мажбур қилади;

«DESK-INVEST» корхонасининг техник даражаси ҳали истеъмолчиларнинг буюртмаларини қондирадиган янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришни амалга ошириш имконини бермайди.

Б) Рақобат таҳлили.

«DESK-INVEST» корхонасининг асосий рақобатчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- «SIFAT» қурилиш ташкилоти,
- «NIKA» хусусий корхонаси,
- «ШаркТемир» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти,
- «RuslanStroyService» хусусий корхонаси,
- «FinUzlac» қўшма корхонаси.

Рақобатчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Рақобатлашувчи фирмалар ҳақида солиштирма маълумотлар¹

Рақобатбардошлик омиллари	«DESK-INVEST» корхонаси	Рақобатчилар		
		«SIFAT» қурилиш ташкилоти	«NIKA» хусусий корхонаси	«ШаркТемир» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти
1. Товар				
Сифат	5	5	5	4

¹ «DESK-INVEST» корхонаси маркетинг бўлимининг ҳисоботи

Ассортимент	4	5	5	3
Савдо маркасининг нуфузи	3	5	4	4
Ўзга хослик	4	4	4	3
Ишончлилик	4	4	4	5
2. Нарх				
Сотув нархи	4	3	3	5
3. Сотув каналлари				
Бозорни қамраб олиш даражаси	3	4	3	4
4. Товарни бозорларда ҳаракатлантириш				
Истеъмолчилар учун реклама	4	3	4	3
Якка тартибда сотув	4	4	5	4
Рағбатлантириш усулларидан фойдаланиш	2	4	2	2
умумий бағл. миқдори	37	41	39	37

В) Корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволи

2005-2006 йилларда «DESK-INVEST» корхонаси фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(минг сўм)

Кўрсаткич номи	2005 йил якунига	2006 йил якунига
Маҳсулотни сотишдан соф тушум	3 275 107	3 568 142
Маҳсулот таннархи	2 483 910	2 780 837
Ялпи фойда	791 197	787 305
Давр харажатлари, жумладан	280 579	432 292
Сотув харажатлари	3 573	32 136
Маъмурий харажатлар	14 175	25 988
Операцион харажатлар	262 831	374 168
Асосий фаолиятдан олинadиган фойда	512 718	355 521
Молиявий фаолиятдан олинadиган даромад	39 272	18 189
Солиқ тўланганга қадар умумий хўжалик фаолиятдан олинadиган фойда	63 018	124 423
Соф фойда	579 770	1 052 807

ТАЛАБА УЧУН УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР:

Муаммо: Сотув бозорини кенгайтириш учун маркетинг стратегиясини танлаш.

Вазифалар:

- корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш.
- сотув бозорини таҳлил қилиш.
- бозорни сегментлаш ва мақсадли сегментни аниқлаш.
- маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаб бериш (алгоритм кўринишида).

Ечим алгоритми:

- *корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилиш*
- Корхона фаолиятини тадқиқ этиш ва таҳлил қилишда қуйидагилар назарда тутилади:
- а) корхона фаолиятининг асосий йўналиш ва мақсадларини ўрганиш;

- б) корхонанинг асосий истеъмолчиларини аниқлаш;
- в) корхона маҳсулотларини ўрганиш;
- г) корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволини таҳлил қилиш.

→ *сотув бозорини таҳлил қилиш*

Қурилиш материаллари бозорини таҳлил қилиш қуйидаги омилларни ўрганишни камраб олади:

- а) маҳсулотга талабни ўрганиш;
- б) бозорнинг SWOT – таҳлили;
- г) рақобатчилар таҳлили. Рақобатлашувчи фирмалар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда акс эттирилган.

→ *бозорни сегментлаш ва мақсадли сегментни аниқлаш*

Корхоналарнинг бозорда кун кўришида жиддий омиллардан бири харидорларнинг кучли позициялари ва уларга боғлиқлик ҳисобланади. Корхона ўзининг истеъмолчилар билан муносабатларини таҳлил қилиб чиқиши лозим.

Бунинг учун, биринчи навбатда, истеъмолчиларни шу товар уларга керакли ва айнан кимга кераклиги нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш, яъни мақсадли доирани аниқлаш зарур.

Иккинчидан, мақсадли гуруҳ истеъмолчиларининг корхона товарига талабларини аниқлаш лозим.

Учинчидан, бозорнинг мақсадли сегментида талабга таъсир этувчи омилларни ажратиб кўрсатиш керак.

→ *маркетинг стратегиясини танлаш ва уни асослаб бериш.*

Бозорда стратегияни танлаш учун дастлаб амалга оширилаётган жорий стратегия таҳлил қилинади. Жорий стратегияни аниқлаштириш шунинг учун ҳам муҳимки, ҳозирги пайтда компания қай ҳолатда экани, унинг қайси стратгиядан фойдаланаётгани ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб, келажак учун қарор қабул қилиб бўлмайди.

Шундан кейин, қуйидаги матрицалардан бири ёрдамида стратегия танлаб олинади: «бозор улушининг ўсиши» матрицаси, бозор стратегиясининг фойдага таъсири (PIMS) матрицаси ва Портернинг умумий стратегик модели (ўқув-услугий материаллар, 1-расм).

Стратегия вариантини танлашни алгоритм кўринишида асослаб бериш.

«ХАЛКАРО МАРКЕТИНГ»

ФАНИДАН

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кайси омиллар халқаро маркетингнинг ташқи муҳитини белгилаб беради:

- а) *иктисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий;
- б) давлат аппарати, рақобат, сиёсий барқарорлик;
- в) ҳуқуқий, валюта чекловлари, кадрлар сиёсати;
- г) халқаро савдо тизими, конъюнктура, рақобат

2. Кайси омиллар корхонанинг бозордаги фаолиятида ички муҳитни белгилаб беради:

- а) *кадрлар, рақобат, ресурс манбалари, ички кооперация;
- б) конъюнктура, маҳсулот чиқариш имкониятлари, бозор
- в) маҳсулот рақобатбардошлиги, ишлаб чиқаришнинг илмий-техник даражаси;
- г) иктисодий конъюнктура, ҳуқуқий муҳит, ишлаб чиқариш даражаси.

3. Сизнинг фирмангиз оммавий товар бозорида шундай вазиятга дуч келдики, бунда иккиламчи талаб мувозанатланиб, бирламчи талаб хали тулик кондирилмаган, бироқ туйинган бўлсин. Фирма бирламчи ва иккиламчи талаб бозорларида фаолият курсатаётган бўлса, у кайси маркетинг стратегиясини танлайди?

- а) иктисодий ривожланиш;
- б) *интенсив ривожланиш;
- в) рақобатбардошликни ошириш;
- г) ишончли мижозлар доирасини тузиш;

4. Тугри жавоб вариантларини танланг. Маркетинг тизими бозорга таъсир курсатишнинг қуйидаги воситаларини камраб олади:

- а) мижозлар, башорат қилиш, товарнинг фойдалилиги;
- б) товар, нарх, ишлаб чиқариш, реклама, истеъмолчини рағбатлантириш;
- в) *башорат қилиш, товар, нарх, сотув каналлари, реклама
- г) истеъмолчилар, таъминотчилар нарх, маҳсулот.

5. Тижорат рекламасини амалга оширишнинг бешта асосий босқичини танлаб олинг:

- а) имиджни яхшилаш, истеъмолчиларни урганиш, реклама кампаниясини ишга тушириш;
- б) *назорат, реклама воситаларини танлаш, рекламани режалаштириш, бюджетини тузиш
- в) бозорда компания миссиясининг белгилаш, реклама уюшмасини танлаш, шартномани тузиш
- г) муаммони аниқлаш, реклама учун товарни танлаш, харажатларни ҳисоблаш, бюджетни тузиш

6. Инновацияларнинг турт тури мавжуд:

- а) янгиликнинг пайдо булиши, жорий килиниши, узлаштрилишиинвестициялаш;
- б) *янги товар ишлаб чикариш, янги бозорни узлаштириш, янги усулни жорий килиш, ташкилий янгилик;
- в) янги товар ишлаб чикариш, фойдани таксимлаш, товарни янги бозорда сотиш, ракобатдаги етакчилик;
- г) янги махсулот ишлаб чикариш, истеъмолчи учун янги бозор очиш, «ноу-хау»ни таксимлаш

7. Компания кайси стратегияни танламасин, махсулот мавжуд булган муддат давомида куйидаги боскичларни босиб утади:

- а) жорий килиш, усиш, етуклик, экспансия, ривожланиш;
- б) *узлаштириш, жорий килиш, усиш, етуклик, туйинганлик, сунеш;
- в) усиш, экспансия, етуклик, туйинганлик, сунеш;
- г) ишлаб чикиш, усиш, ривожланиш, сунеш.

8. Замонавий маркетингга хос булган мухим жихат унинг глобаллашуви хисобланади:

- а) маркетинг йирик монополиялар, кичик фирма, корхоналарга зарур булиб бормокда;
- б) маркетинг жахоннинг барча минтакаларида куллана бормокда;
- в) маркетинг истеъмол товарлари бозорини камраб олмокда;
- г) *маркетинг ишлаб чикариш воситалари бозорини, ташки иктисодий фаолиятни, нотижорат фаолиятни камраб олмокда

9. Республикамизда маркетингга эътиборнинг усишига куйидагилар асосий сабаб булмокда:

- а) маркетинг буйича пайдо булаётган илмий ишлар;
- б) мулкка булган муносабатнинг узгариши;
- в) *давлат монополиясининг йук килиниши;
- г) ташки савдо ташкилотларида маркетингга эхтиёжнинг пайдо булиши

10. Бозорни сенгментлаш бу:

- а) бозорда ишлаб чикарувчилар улушларини ажратиш;
- б) бозорда талаб энг юкори булган товарлар гурухларини ажратиш;
- в) *дид-истакларнинг бир хиллиги, таклиф этиувчи товар ва хизматларга муносабатнинг ухшашлиги билан тавсифланувчи истеъмолчиларнинг максадли гурухларини ажратиш;
- г) ишлаб чикарувчиларни махсулот турлари буйича гурухлаш

11. Замонавий ИТТКИ асосий хусусиятлари каторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- а) маркетинг чора-тадбирлар ердамида шароит яратиб бериш, янги товарлар ишлаб чикиш, сифат тизимини такомиллаштириш;

- б) *ушбу жараённинг мураккаблашуви хисобига унинг муддати узайиши фойда олиш, муддатларнинг кискариши;
- в) ИТТКИни амалга ошириш рискиннинг камайиши, ресурслар етмаслиги
- г) ракобтни кучайиши, илгор тажрибани урганиш, киматтлашуви, бенчмаркинги ривожланиши

12. Товар сиёсатининг мақсади:

- а) товарнинг ҳаётийлик даврини узайтириш хисобига фойда олиш;
- б) товар ҳаракатланиши билан боғлиқ булган ҳаражатларни пасайтириш;
- в) *фирманинг ривожланиши учун етарли миқдорда фойда келтиришига олиб келувчи шароитлар яратиш;
- г) товарнинг ҳаётийлик даврини узайтириш, маҳсулотни ассортиментини кенгайтириш, бозорда улушини кенгайтириш

13. Бозорни танлаш қайси мезонлар бўйича амалга оширилади:

- а) *бозор ҳажми, узиш динамикаси, иш юритиш бўйича ҳаражатлар ракобатдаги устунликлар, хавф-хатарларни даражаси;
- б) бозорни фойдалилиги, географик жойланиши бўйича танлаш, назоратлиги, бозорни ҳажми
- в) бозор конъюнктураси, бозор сизими, товарни ҳаракатлантириш каналлари;
- г) бозорни камраб олиш, фирманинг бозордаги улуши, бозор шароитлари.

14. Рангларга ажратишдан мақсад нима:

- а) товар ва хизматлар ассортиментининг кенгайтирилишини таъминлаш услуг;
- б) эски бозорда мустаҳкам урин эгаллаш;
- в) *фирма учун киритилган капиталга қайси бозор купрок ва узокрок фойда келтирилишини аниқлаш;
- г) қоридагиларнинг ҳеч қайси бири; бозорда маълум бир улушни эгаллаш.

15. Халқаро маркетинг ривожланишининг асосий босқичларини ажратиб курсатинг:

- а) ташкилий, функционал, ахборот
- б) *анъанавий, экспорт, халқаро, купмиллий;
- в) ички, ташки, экспорт;
- г) ташкилий, импорт, анъанавий.

16. Халқаро маркетинг олий шакли бу:

- а) *трансмиллий корпорацияларга хос булган байналмилал маркетинг;
- б) маркетинг операцияларини алохида корхона микёсида амалга ошириш;
- в) маркетинг операцияларини жахон хужалиги микёсида амалга ошириш;
- г) маркетинг операцияларини иккита корхона микёсида амалга ошириш;

17. Халқаро маркетинг мохияти бу:

- а) махсулотни сотиш буйича чора-тадбирлар;
- б) *корхонанинг уз товар ва хизматларини мамлакат худудидан ташкарида сотиш буйича тадбирлар мажмуи;
- в) айирбошлаш йули билан истеъмолчилар эhtiёжларини кондириш;
- г) талабни кондириш ва ракобатдаги устунликларни мустахкамлашга буйича мақсадли йуналтирилган фаолият.

18. Халқаро маркетингни амалга ошириш билан боғлиқ асосий масалалар куйидагилардан иборат:

- а) муваффақиятли ракобат стратегиясини куллаб-куватлаш, фойдаланилувчи стратегияларни тахлил килиш ва улардан энг яхшисини танлаш;
- б) *мухитни урганиш, бозорга чиқиш усуллардан фойдаланиш, маркетинг булими структураси хақида қарор қабул килиш;
- в) ташки мухитни урганиш, экспорт операциялари орқали бозорга чиқиш, корхона стратегиясини амалга ошириш
- г) сотув бозорларини кенгайтириш буйича фаолияти, савдо тизимини урганиш, маркетинг дастурини тайерлаш

19. Ташки бозорда товар ва хизматларни сотиш буйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш бошқарув жараёни булиб, куйидаги босқичларни қамраб олади:

- а) *тахлил, режалаштириш, ташкил этиш, маркетинг фаолиятини назорати; ташкилот ва махсулотнинг ракобатбардошлиги,
- б) маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва назорат килиш;
- в) маркетинг мухитини урганиш, бозор конъюнктурасини тахлили, бозорда қорхонани имкониятларини тадқиқ килиш;
- г) тахлилий иш, ишлаб чиқариш цикли, маркетинг режасини ишлаб чиқиш ва унинг амалга ошириш

20. Бошка мамлакатда сотувни ташкил этишда фирма турли хил савдо чекловларига дуч келади:

- а) *квота, эмбарго, савдо билан боғлиқ булмаган чекловлар, божхона тарифлари, валюта назорати;
- б) давлат машинаси, фирма товарларига нисбатан дискриминация;
- в) таълим даражаси, тақиқлар, солиқлар, божлар, ҳуқуқий актларни узгариши
- г) хужалиғни тузулмаси, мамалакатни ракобатбордошлиғи, урф-одатлар

21. Иқтисодий муҳитни урганиш қуйидагиларни камраб олади:

- а) *хужалиқ структураси, даромаларни тақсимлаш характери
- б) истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларни урганиш;
- в) ракобатчилар фаолиятини урганиш, фирма структурасини урганиш;
- г) конъюнктурани урганиш ва башорат қилиш

22. Сиёсий-ҳуқуқий муҳитнинг энг муҳим омиллари қуйидагилар:

- а) хорижий мамлактанинг урф-одатлари, анъаналари, қоидалари, тақиқлари;
- б) *валюта чекловлари, давлат механизми, чет элдан қилинадиган харидларга муносабат, сиёсий барқарорлик;
- в) халқаро савдо тизими, божхона тарифлари, ишлаб чиқариш стандартлари;
- г) хомашё экспорт қилувчи мамлакатлар, даромади жуда паст мамлакатлар

23. Жаҳон бозорига чиқишнинг қайси усулларини биласиз:

- а) импорт, экспорт, лицензиялаш;
- б) *экспорт, қушма тадбиркорлик, бевосита инвестициялаш;
- в) шартнома буйича бошқарув, пудрат ишлаб чиқариши;
- г) лизинг, ижара, франчайзинг.

24. Экспорт қилишнинг қайси усулларини биласиз:

- а) *бевосита экспорт, билвосита экспорт, мунтазам экспорт, номунтазам экспорт;
- б) шартнома буйича бошқарув, лицензиялаш;
- в) йигув корхоналари, ишлаб чиқариш корхоналари;
- г) қушма корхоналар, воситачи компаниялар.

25. Асосий воситачилар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) *дистрибьюторлар, комиссиянерлар, брокерлар

- б) савдо уйлари, консигнацион омборлар, лицензиатор, тадбиркорлар;
- в) савдо агентлари, савдогарлар, савдо уйлари;
- г) ишлаб чи-ариш корхоналари, кооператив ташкилотлар, кимошди савдолари

26. Кушма корхоналарнинг турт турини санаб беринг:

- а) махаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартнома тузиш,
- б) *шартнома буйича бошқарув, кушма эгалик корхонаси, лицензиялаш, пудрат ишлаб чиқариши;
- в) бошқарув хизматлари экспорти, сугурта компаниялари
- г) савдо уйлари, лизинг компаниялари.

27. Тугридан-тугри инвестициялаш нимани англатади:

- а) чет эллик ва махаллий капитал куилма киритувчиларнинг хатти-харакатларини тижорат корхонаси яратиш мақсадида бирлаштириш;
- б) *чет элда уз йигув ёки ишлаб чиқариш корхоналарини яратиш мақсадида капитал киритиш;
- в) махаллий ишлаб чиқарувчилар билан товар чиқариш буйича шартнома тузиш;
- г) пай асосида корхона тузиш.

28. Халқаро маркетингга йуналтирилган қандай маркетинг булимларини биласиз:

- а) шуъба корхонаси, филиал, минтақавий марказ;
- б) махсулотни сотиш билан шугулланувчи булимлар, реклама булими;
- в) сотув хизмати, экспорт булими;
- г) *трансмиллий(байналмилал) компаниялар, экспорт булими, халқаро филиал.

29. Халқаро бозор нима мақсадда урганилади:

- а) ракобат курашига муваффақиятли киришиш;
- б) юзага келаётган кулай конъюнктурадан фойдаланиш;
- в) *фирмининг бозордаги тактикасини ишлаб чиқиш;
- г) хавф-хатарларни камайтириш

30. Товарни рағбатлантириш ва уни хорижий бозорга мослаштириш стратегиясини ажратиб курсатинг:

- а) товарни хорижий бозорда узгартирилмаган шаклда тарқатиш;
- б) прогрессив (илгор) ихтиро, регрессив ихтиро;
- в) товарни хорижий бозорга мослаштириш, янгилик ихтиро қилиш;
- г) *хаммаси тугри

31. Халқаро муҳит таҳлили нималарни камраб олади:

- а) индивидуаллашган мухит, стандартлашган мухит;
- б) трансмиллий мухит, стандартизация, мослаштириш;
- в) *трансмиллий мухит, глобал мухит, купмиллий мухит;
- г) ички мухит, иктисодий мухит.

32. Халқаро маркетингнинг энг муҳим хусусиятлари қуйидагилар:

- а) *иктисодий, ижтимоий маданий, миллий;
- б) ишлаб чиқариш, сотув, тижорат;
- в) инвестицион, тижорат, сиёсий
- г) ижтимоий, географик, демографик

33. Товар маркетинг фаолиятининг марказида туради, шу сабабли товар ассортиментини шакллантириш, янги товарлар яратиш асосий муаммолардан ҳисобланади. Янги товар яратишнинг дастлабки босқичлари қуйидагилар:

- а) намуна яратиш;
- б) гоёларни танлаш ва тижорат таҳлил утқизиш;
- в) товарни синов тарикасида ишлаб чиқариш;
- г) *гоёларни ишлаб чиқиш, танлаш ва тижорат таҳлил утқизиш

34. Халқаро бозорни сегментлашнинг асосий белгилари бу:

- а) *давлат тузилиши, демографик, географик белгилар;
- б) фирманинг катталиги, ишлаб чиқариш технологияларининг ривожланиш даражаси
- в) маданий, этика ва миллий белгилар;
- г) сегментнинг очиклиги, фойдалилик, химояланганлик

35. Махсулотни хорижий бозорга ҳаракатлантириш канали структураси бу:

- а) ишлаб чиқарувчи, майда улгуржи савдогар, фойдаланувчи;
- б) *сотувчи, давлатлараро каналлар, мамлакат ичкарасидаги каналлар, якуний истеъмолчилар
- в) сотувчи, чакана сотувчи, харидор;
- г) сотувчи, якуний фойдаланувчи;

36. Халқаро маркетинг соҳасидаги асосий муаммоларни санаб беринг:

- а) *солик ва божхона, ишлаб чиқариш, молиялаштириш, транспортировка, валюта муаммолари.
- б) ҳукумат аъзоларининг жинойтчилик фаолияти билан тукнашиш хавфи;

- в) ишлаб чиқариш ва техник талаблар;
- г) маҳсулот сифатига талаблар

37. Маркетинг булимларининг асосий функциялари куйидагилардан иборат:

- а) маркетинг фаолияти натижаларини баҳолаш, маркетинг булими ходимларини танлаш
- б) маркетинг мақсад ва стратегияларини танлаш, ресурсларни аниклаш
- в) маркетинг фаолиятининг деталли режаларини ишлаб чиқиш
- г) *корхона фаолиятини бошқариш, режалаштириш, таҳлил қилиш; бошқарув, назорат.

38. Реклама фаолиятининг истикболли йуналишларини санаб беринг:

- а) *паблик-релейшнз директ-маркетинг;
- б) телевидение, стендлар, босма реклама.
- в) талабни шакллантириш усуллари
- г) бенчмаркинг фаолияти

39. Реклама жараёнини ташкил этиш куйидагилардан иборат:

- а) реклама берувчи, рекламани тарқатиш воситалари;
- б) реклама агентлиги, истеъмолчи;
- в) *таъминотчи, рекламани тарқатиш воситалари, истеъмолчи;
- г) реклама берувчи, агенти, тарқатиш воситалари, объекти

40. Реклама берувчининг асосий функцияларини санаб беринг:

- а) товар сифатини, рақобатбардошлигини аниклаш, реклама тадбирлари утқизиш;
- б) товар нархини аниклаш, сервис хизмати курсатиш;
- в) *маҳсулотни танлаш, маркетинг тадқиқотлари утқизиш;
- г) товарни аниклаш, реклама қилиш рекламани яратиш ва уни утқизиш режаси

41. Куйидагилар халқаро маркетингда коммуникациянинг асосий турлари ҳисобланади:

- а) *реклама, паблик релейшнз, сотувни рақобатлантириш, директ-маркетинг, брендинг, сейлз промоушн;
- б) хомийлик, сотув, кургазма ва ярамаркаларда иштирок этиш
- в) шахсий (персонал); анктеалар ёрдамида тадқиқот утқизиш.
- г) Фокус-гурух тузиш

42. Халқаро маркетингда нарх сиёсатининг моҳияти шундан иборатки, нарх белгилаш ва уни узгартириш куйидагига эришишга имкон берсин:

- а) *бозрда маълум бир улуш эгаллаб олиш ва уни мустахкамлаш;
- б) товарни сотиш
- в) ракобатчилар хатти-харакатларига мослашиш;
- г) товарни нархини белгилаш

43. Сиз учун ракобатчилар муносабатларда нималарга йул куйиш мумкин?

- а) *улардан хамма нарсада узиб кетиш;
- б) таъсир доирасини булиб олиш;
- в) махсулот савдосини ташкил этишни аниклаш;
- г) ракоабтчидан харид килиш мотивациясини аниклаш

44. Ракобат кучайганда кайси сиёсатдан фойдаланган маъкул?

- а) оширилган нарх буйича сотиш;
- б) оширилган нарх буйича сотиш ва кушимча хизматлар курсатиш;
- в) пасайтирилган нарх буйича сотиш;
- г) *махсулот дизайнини яхшилаш.

45. Корхонани бозор талабларига мослаштиришнинг самарали усули бу:

- а) махсулотнинг ракобатбардошлиги;
- б) *корхона ракобатбардошлигини бошқариш;
- в) диверсификация;
- г) дизайн, экологик курсаткичлар.

46. Товар харакатланиши каналларини шакллантириш куйидагилардан иборат булади:

- а) каналларни танлашга таъсир курсатувчи омиллар тахлил;
- б) *каналлар тизимини танлаш;
- в) воситачилар билан ишлаш;
- г) реклама фаолиятини ташкил этиш.

47. Ракобатбардошликни бошқариш буйича бир катор тизимлар мавжуд булиб, улар куйидаги максадда кулланади:

- а) *махсулот сифати ва харажатлар уртасида оптимал нисбатга эришиш;
- б) махсулот дизайнини яхшилаш;
- в) махсулот сифатини яхшилаш;
- г) махсулот тежамкорлигини яхшилаш

48. Конъюнктура тадқиқотлари услубияти куйидагиларни камраб олади:

- а) *тадқиқот объекти ва вақт чегаралрини аниклаш;
- б) маълумотлар танлаш;
- в) вазият тахлил ва башорати

г) бозор сигимини аниклаш.

49. Халкаро маркетингда нарх хосил булишишга таъсир курсатувчи асосий омиллар:

- а) *фойда солиги, фойдани таксимлаш, бож туловлари;
- б) хукукий таъминот, бозор конъюнктураси, ташки омиллар;
- в) ракобат, иктисодий вазият, сиёсий баркарорлик;
- г) соликка тортиш, валюта чекловлари божлари, чегирмалар

50. Халкаро бозорда нарх сиёсати куйидаги сабабга кура мураккаброк булади:

- а) махсулотни экспорт килишда нарх усади, бозорлардаги фарклар;
- б) ракобат кураши юритиш стратегиялардаги фарк, катъий белгиланган ва узгарувчан нархларни фарклари;
- в) давлатнинг иктисодиётга аралашуш даражаси;
- г) *хаммаси тугри

51. Товарга (хизматга) талаб маркетинг тоифаси сифтаида бу:

- а) аник бир махсулот турига эхтиёж;
- б) Товар (хизмат)га эхтиёж;
- в) *истеъмолчи унинг учун хак тулаши мумкин булган товарга булган эхтиёж;
- г) аник вазиятда мавжуд булган эхтиёж

52. Талаб холати салбий булганда амалга оширилувчи маркетинг:

- а) куллаб-кувватловчи;
- б) *конверсион;
- в) ривожлантирувчи;
- г) синхрон

53. Демаркетингдан куйидаги холларда фойдаланиш максадга мувофик:

- а) талаб йук булса;
- б) *талаб холати ута юкори булса;
- в) талаб холати салбий (негатив) булса;
- г) конверсион

54. Истеъмолчиларнинг кенг таркалган ва нархи буйича кулай товар ва хизматларга илик муносабатда булиши бу куйидаги маркетинг концепциясини амалга ошириш учун асос була олади:

- а) *товарни такомиллаштириш;
- б) тижорат хатти-харакатларини жадаллаштириш (реклама);
- в) ишлаб чикаришни такомиллаштириш;
- г) сотув сиёсатини такомиллаштириш

55. Маркетинг концепцияси тижорат фаолияти куйидагидан бошланади деб хисоблайди:

- а) янги товар ва хизматларни ишлаб чиқишдан;
- б) товар ёки хизматга булган талаб хақидаги маълумотларни таҳлил қилишдан;
- в) *корхонанинг ишлаб чиқариш базасини ташкил қилиш буйича тадбирларни режалаштириш
- г) бозорни комплекс урганишдан

56. Эҳтиёж бу:

- а) истеъмолчи уз мухтожликларини қондириш учун фойдаланиши мумкин булган пул миқдори;
- б) *аниқ ва муайян шаклга эга булган мухтожлик;
- в) истеъмолчи мухтожликларини қондиришга қодир булган товар;
- г) истеъмолчи мухтожликларини қондиришга қодир булган хизмат

57. Маркетинг комплекси куйидагиларни қамраб олади:

- а) қорхона бошқариш;
- б) *воситалар йиғиндиси (товар, нарх, сотув, силжитиш);
- в) товарни сотиш шартларини танлаш;
- г) товарни сотиш буйича тадбирлар мажмуаси

58. Мулоқот доираси бу:

- а) *корхонанинг қуйилган мақсадларга эришишига таъсир қурсатиши мумкин булган субъектлар;
- б) қорхона билан бевосита мулоқотга қиришувчи ва унга товарлар етказиб берувчи субъектлар;
- в) қорхона билан бевосита мулоқотга қиришувчи ва ундан товар сотиб олувчи субъектлар;
- г) қорхона билан бевосита мулоқотга қиришувчи ва уларни молиялаштириш мақсадида субъектлар

59. Харидор бозори куйидаги ҳолларда вазиятни белгилар беради:

- а) истеъмолчилар сони қуп булса;
- б) *таклиф талабдан ортиб қетса;
- в) талаб таклифдан ортиб қетса;
- г) воситачилар сони қуп булса

60. Куйидаги таърифлардан қайси бири бозорни маркетинг буйича тушунишга мос қелади:

- а) бозор бу мазқур минтақа ақолиси;
- б) бозор бу эҳтиёжлари уқшаш булган истеъмолчилар йиғиндиси;
- в) бозор бу фирмангиз товарлари билан қизиқувчи истемолчилар қисми;

г) *бозор бу товарни харид килиш учун моливий имкониятга эга булган истеъмолчилар

61. Корхона микромухитига куйидагиларни киритиб булмайди:

- а) оммавий ахборот воситалари;
- б) бутун мамлакат ахолиси;
- в) *ракобатчилар, харидорлар, етказиб берувчилар
- г) савдо ташкилотлари

62. Халкаро сегментация нима?

- а) ракобатчиларни бир хил гурухларга булиш;
- б) *истеъмолчиларни бир хил гурухларга булиш;
- в) товарни бир хил гурухларга булиш;
- г) худуд буйича булиниши

63. Товарни жойлаштириш (позициялаш) бу:

- а) *товарнинг бозордаги урнини белгилаш
- б) товарга нисбатан бутун корхона бозор сиёсати мажмуини тахлил килиш;
- в) кутилаётган товар истеъмолчиларини аниклаш;
- г) товарни дизайнини ишлаб чиқиш жараёни

64. Бозор дарчаси тушунчаси нима билан боғлиқ:

- а) фирма товари энг куп мос келувчи сегмент билан;
- б) эҳтиёжлари мавжуд товарлар билан кондирилмаётган сегмент билан;
- в) мавжуд ишлаб чиқарувчилар жамланган сегмент билан;
- г) *аник товарни чиқарувчилари ушбу сегментга кизикиши йук

65. Бозор «ниша»си тушунчаси нима билан боғлиқ?

- а) тахлилга асосан энг куп фойдани таъминловчи сегмент билан;
- б) таклиф этилаётган товар, фирманинг тажрибаси ва маркетинг имкониятлари купрок мос келувчи сегмент
- в) фирма уз фаолиятини йуналтираётган мақсадли бозор билан;
- г) *Фирма учун оптимал сегмент

66. Турли справочниклар ва статистика адабиётларини урганиш бозор тадқиқотларининг қайси турига мос келади?

- а) *кабинет тадқиқотлари;
- б) дала тадқиқотлари;
- в) тадқиқотларга тааллуқли эмас;
- г) сифатли тадқиқотлар

67. Маркетинг ахборот тизими фаолиятининг мақсади бу:

- а) маркетинг режасини тузиш;

- б) *бошқарув қарорлари қабул қилиш учун ахборот тақдим этиш;
- в) қорхонани бошқариш бўйича маркетинг концепциясини амалга ошириш;
- г) қорхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш

68. Маркетинг ахборот тизими фаолият курсатиши учун ташкил этиш лозим бўлган асосий жараёнлар:

- а) *ахборот туплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш утқазил ва саклаш;
- б) қорхонани бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- в) маркетингни бошқариш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- г) ташки ахборот туплаш тизими

69. Маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизими қуйидагиларни қамраб олади:

- а) *маълумотлар туплами, моделлар ва усуллар банки;
- б) маркетинг тадқиқот тизими;
- в) ташки ахборот туплаш тизими
- г) ички ҳисобот тизими

70. Ички маркетинг ахборот тизими нимага мулжалланган:

- а) тадқиқ этилаётган объект ичкарасида жойлашган манбалардан ахборот туплаш ва қайта ишлашга;
- б) *фирма фаолияти ҳақидаги, жорий ахборот тақдим этиш;
- в) фирма фаолияти ҳақидаги айрим муаммоларни ҳал қилишга имкон берувчи эксклюзив ахборот тақдим этиш;
- г) асосланган қарор қабул қилиш

71. Моделлар банки нима учун зарур:

- а) *статистика ҳисоб-китобларини бажариш;
- б) бошқарув қарорлари қабул қилишни қуллаб-қувватлаш;
- в) коммуникацияларни соддалаштириш;
- г) етқазиб берувчилар тугрисида ахборот бериш

72. Фирманинг ички муҳитини урганиш нимани назарда тутди:

- а) унинг фаолиятини қонунчилиқ томонидан чекланишини тадқиқ этиш;
- б) унинг ишлаб чиқариш-сотув фаолиятини тадқиқ этиш;
- в) *фирманинг бозордаги имкониятларини тадқиқ этиш;
- г) макро ва микро муҳитни урганиш

73. Маркетинг қузатуви нимани ифодалайди:

- а) ташки маркетинг ахборот манбаи;
- б) ташки жорий ахборотни туплаш ва қайта ишлаш тизими;
- в) *маркетинг ахбороти туплаш усули – қузатув;
- г) харидорларни ҳулқ-атворини имитация қилиш

74. Бозор тадкикотларининг кайси кабинет усуллари маркетинг мутахассислари томонидан фойдаланилиши мумкин?

- а) танланма кузатиш;
- б) ёппасига кузатиш;
- в) телефон суровлари;
- г) *олдинги тадкикотлар хисоботларини тахлил килиш.

75. Корхона дуконга келиб-кетувчилар орасида бирон нарса сотиб олган харидорлар салмогини аниклаши лозим булсин.

Тадкикотларнинг кайси усулларида фойдаланиш мақсадга мувофик?

- а) *кузатиш;
- б) суров;
- в) эксперимент
- г) имитация

76. Товари синаб куриш (тест) куйидагиларни назарда тутуди:

- а) *лаборатория шароитларида эксперимент;
- б) дала шароитларида эксперимент;
- в) лаборатория шароитларида кузатув;
- г) дала шароитларида кузатув

77. Маркетинг ахбороти олиш усули сифатида кузатувнинг узига хос жиҳати куйидагича:

- а) *кузатувчининг урганилаётган жараёнда фаол иштирок этиши;
- б) тадкикот утказиш учун табиий шароитлардан фойдаланиш;
- в) ходисаларни пассив кайд этиш;
- г) эксперимент утказиш

78. Дуконда одамларнинг хулк-атворини урганиш кузатувнинг куйидаги шаклини кузда тутуди:

- а) лаборатория кузатуви;
- б) кабинет кузатуви;
- в) *дала кузатуви;
- г) имитацион эксперимент

79. Имитацион эксперимент куйидагиларни назарда тутуди:

- а) сунъий яратилган шароитларда экспериментал сотувни ташкил килиш;
- б) хали яратилмаган товар макетидан фойдаланиш;
- в) *истеъмолчиларнинг маркетинг стимулларига реакцияси, математик моделидан фойдаланиш;
- г) фокус-гурхни ташкил килиш

80. Фокус-гурух бу:

- а) айрим респондентлар гуруhini куп маротаба таджик этишдан иборат булган узига хос таджикот усули;
- б) *берилган мавзуда эркин мухокама шаклида гурух булиб интервью олишни ифодаловчи суров шакли;
- в) аник белгиланган структурали, утказиш муддати бир хил ва респондентлар гурухи чекланганлиги билан тавсияланувчи суров шакли;
- г) Анкета оркали суров

81. Мулокот доиралари билан алока килишнинг кайси усули маълумотлар кайтиши сустлиги билан тавсифланади:

- а) телефон;
- б) *почта;
- в) интервью;
- г) интернет

82. Лизинг кайси механизмнинг элементи хисобланади:

- а) режа-таксимот механизми
- б) маъмурий механизми
- в) *бозор механизми
- г) ишлаб чикариш механизми.

83. Лизинг нимани ифодалайди:

- а) рекламани
- б) ишлаб чикаришни
- в) *молиявий ижарани
- г) кредитни

84. Бошка мамлакатда сотувни ташкил килишда фирма турли хил савдо чекловларига дуч келади:

- а) квота, эмбарго, носавдо чекловлари, ишлаб чикариш стандартларининг мавжудлиги;
- б) фирма товарларига нисбатан дискриминация,
- в) божхона тарифи, фискал ва протекцион тарифлари, валюта назорати;
- г) *хамма жавоб тугри

85. Иктисодий мухитни урганиш куйидагиларни камраб олади:

- а) *хужалик структураси, мамлакатдаги даромадларни таксимлаш характери
- б) истеъмолчилар ва ишлаб чикарувчиларни урганиш;
- в) ракобатчилар холиятини урганиш;
- г) конъюктурани урганиш ва башорат килиш

86. Товар сиёсатининг вазифаси бу:

- а) *товарлар хаётийлик боскичи ва уларнинг ракобатбардошлигини бошқариш;
- б) товарни зарид килиш истагида булган истеъмолчиларни излаб топиш;
- в) иложи борича купрок товар ишлаб чикариш;
- г) товарни янгилаш

87. Кундалик истеъмол товарлари куйидагича тавсифланади:

- а) махсус дуконлар тармоклари оркали таркатилиши;
- б) катта микдордаги пулга сотиб олиниси;
- в) *сотувчи билан кушимча маслахатлашиш зарурати йуклиги;
- г) махсусланган товарлар

88. Янги махсулот яратиш жараёнида илк боскич бу:

- а) бошқарув тахлил;
- б) товарни лойихалаштириш;
- в) *гоя яратиш;
- г) ишлаб чикариш

89. Истеъмол товарлари бозори куйидагилардан иборат:

- а) товарларни келгусида кайта сотиш учун харид килувчи компаниялар;
- б) товарларни шахсий истеъмоли учун харид килувчи хариддорлар;
- в) товарни сотиш учун харид килувчи кишилар;
- г) *истеъмол товарлари ишлаб чикарувчи фирмалар

90. Товар маркаси нимага мулжалланган?

- а) товарнинг етишмаётган сифати урнини коплаш;
- б) истеъмолчи олдида товар нархи юкори эканлигини оклаш;
- в) *бозордаги ухшаш товарлар ичида товарни ажратиб туриш;
- г) истеъмолчи олдида товар сифатини юкори эканлигини оклаш

91. Ассортиментнинг номенклатурадан фарки нимада:

- а) номенклатура ассортимент таркибига киради;
- б) *ассортимент торрок тушунча булиб, номенклатура таркибига киради;
- в) ассортимент ва номенклатура бир вақтнинг узида бир хил товарларни тавсифлаш учун фойдаланилмайди
- г) товарлар умумий сонининг кенгайиши

92. Ассортиментни устириш нимани англатади:

- а) товар тавсифномасидаги курсаткичларнинг яхши томонга узгариши;

- б) товар тавсифномасидаги курсаткичларнинг куйи томонга узгариши;
- в) *товарлар умумий сонининг кенгайиши;
- г) товарлар умумий сонининг камайтириши

93. Товар хаётийлик даврининг кайси боскичи одатда нархнинг максимал даражада пастлиги билан тавсифланади:

- а) бозорга чикариш;
- б) усиш;
- в) етуклик;
- г) *суниш.

94. Товар номенклатураси кенглиги нимани англатади:

- а) ассортимент гурухи доирасида айрим товар навлари ва вариантлари сони;
- б) *ассортимент гурухлари умумий сони;
- в) корхона фойдасини тьминлаш;
- г) номенклатура доирасида айрим товар навлари ва вариантлари сони

95. Товар сифати бу:

- а) *товарнинг истеъмолчи томонидан мажбурий деб тан олинган, зарур функционал тавсифномалари йигиндиси;
- б) товарнинг уз функционал вазифаларини бажара олиш кобилияти;
- в) товарнинг кузга куринарли нуксонлардан холи эканлиги;
- г) товарни дизайни

96. Янги товар яратишни куйидаги тарзда амалга ошириш мақсадга мувофик:

- а) *уз кучлари билан;
- б) патент сотиб олиш йули билан;
- в) барчаси фирманинг мақсад ва ресурсларига боглик;
- г) лицензия сотиб олиш йули билан.

97. Товар ассортиментини вариация йули билан узгартириш нимани англатади:

- а) *комплиментар (йулдош) товар яратиш;
- б) эски товар варианты билан биргаликда курсаткичлари узгартирилган янги махсулот яратиш;
- в) эски товар варианты урнига янги товар яратиш;
- г) товар тавсифномасидаги курсаткичларнинг яхши томонга узгариши

98. Сервисни амалга ошириш куйидагилар билан боглик:

- а) товарни мустахамлаш;
- б) товар нархининг юкорилиги;
- в) *сотувни рагбатлантириш

г) товарга кафолат бериш

99. Сервис кайси товарлар учун зарур:

- а) факат инвестицияга мулжалланган товарлар учун;
- б) истеъмол товарлари учун;
- в) хар кандай техник мураккаб товарлар учун;
- г) *хамма товарлар учун

100. Товар сифатини ошириш асосида унинг модификациясини яратиш куйидаги холда максадга мувофик:

- а) *товар сифатини оширувчи технология мавжуд булса;
- б) ИТТКИ утказиш учун ресурслар мавжуд булса;
- в) истеъмолчиларнинг товарга ижобий муносабатларини тасдикловчи маркетинг тадкикотлари натижалари мавжуд булса;
- г) товарнинг яхшиланиши истеъмолчи томонидан ижобий узгариш сифатида бахоланиши мумкин булган курсаткичлари мавжуд булса

ОРАЛИК НАЗОРАТ

1-вариант

1. Халқаро маркетинг соҳасидаги муаммолар

2. Маркетинг вазияти: «Афросиаб» фирмаси юқори сифатли сигарет ва пиво маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Хозирги пайтда, фирмани молиявий ҳолати унча яхши эмас. Фирманинг директори ушбу муаммони ечимини сотув ҳажмини купайтириш орқали савдони кенгайтиришда ва даромадни купайтиришда куради. Бунинг учун «Афросиаб» магазини филиалини қушни маҳалласида очишни таклиф этади. Шу борада, фирманинг директори маркетинг буйича мутахассисига ҳар бир товарга қутилаётган максимал сотув ҳажми башоратини утқазиб топширигини беради (бунда пивани 1 бутилкаси – 2000 сум, 1 пачка сигаретни нархи – 1200 сумдан олинади).

Маркетинг тадқиқотларни дастлабки натижалари қуйидаги маълумотларига эга бўлишга имконият берди. Ушбу туманда:

50 киши 500000 сум даромадга эга;

100 киши 300000 сум даромадга эга,

500 киши 90000 сум даромадга эга.

Харидорларни суров натижаси шуни курсатдики, пиво ва сигарет харид қилишга даромаддан уртача 5 фоизи ишлатилади. Фирмани маркетинголог керакли иқтисодий ҳисоб-китобини утқазиб, директорга талаб қилинган башоратни жадвал орқали тақдим этди (1-жадвал).

1-жадвал

Харидорлар	Товарни сотиб олишга даромадни суммаси	Товарни нархи		Оптималь ҳажмини ҳисоб-китоби	
		пиво	сигарет	пиво	сигарет
1 гуруҳ					
2 гуруҳ					
3 гуруҳ					

Юқорида келтирилган жадвални маркетинголог учун туздириб беринг.

3. Тестлар:

1. Халқаро маркетинг ривожланишининг асосий босқичларини ажратиб курсатинг:

- ташкилий, функционал, ахборот
- анъанавий, экспорт, халқаро, купмиллий;
- ички, ташки, экспорт;
- ташкилий, импорт, анъанавий.

2. Халқаро маркетинг олий шакли бу:

- трансмиллий корпорацияларга хос бўлган байналминал маркетинг;
- маркетинг операцияларини алоҳида корхона миккёсида амалга ошириш;
- маркетинг операцияларини жаҳон хыжаллиги миккёсида амалга ошириш;
- маркетинг операцияларини иккита корхона миккёсида амалга ошириш;

3. Халқаро маркетинг моҳияти бу:

- маҳсулотни сотиш буйича чора-тадбирлар;
- корхонанинг уз товар ва хизматларини мамлакат ҳудудидан ташқарида сотиш буйича тадбирлар мажмуи;
- айирбошлаш йули билан истеъмолчилар эҳтиёжларини кондиритиш;
- талабни кондиритиш ва рақобатдаги устунликларни мустаҳкамлашга буйича мақсадли йуналтирилган фаолият.

4. Халқаро маркетингни амалга ошириш билан боғлиқ асосий масалалар қуйидагилардан иборат:

- муваффақиятли рақобат стратегиясини қуллаб-қувватлаш, фойдаланилувчи стратегияларни таҳлил қилиш ва улардан энг яхшисини танлаш;
- муҳитни урганиш, бозорга чиқиш усуллардан фойдаланиш, маркетинг бўлими структураси ҳақида қарор қабул қилиш;
- ташки муҳитни урганиш, экспорт операциялари орқали бозорга чиқиш, корхона стратегиясини амалга ошириш
- сотув бозорларини кенгайтириш буйича фаолияти, савдо тизимини урганиш, маркетинг дастурини тайерлаш

5. Бошқа мамлакатда сотувни ташкил этишда фирма турли хил савдо чекловларига дуч келади:

- квота, эмбарго, савдо билан боғлиқ бўлмаган чекловлар, божхона тарифлари, валюта назорати;
- давлат машинаси, фирма товарларига нисбатан дискриминация;
- таълим даражаси, тақиклар, солиқлар, божлар, ҳуқуқий актларни узғариши
- ҳужалигни тузулмаси, мамлакатни рақобатбордошлиги, урф-одатлар

Кафедра мудири

Ш.Ж. Эргашхожаева

2-вариант

1. Маркетинг ахборот тизими, унинг мохияти, функциялари ва асосий қисмлари.

2. Топширик: «Жигули» автомобили ривожланаётган мамлакатларда пулдор аҳолига йуналтирилган, Францияда эса камбағал аҳоли учун мулжалланган. Мазкур халқаро сегментация қандай сегментация турини англатади? Хар бир мамлакатда юқори даромадга эга харидорлар гуруҳлари бор. Ушбу харидорлар истеъмол қилишда престиж фирма («Мерседес», «Нина Риччи», «Адидас» ва бошқ.) товарларини олишга ҳаракат қиладилар. Бу сегмент универсал сегмент ҳисобланадими ёки йукми? Қандай сегментация турига юқорида келтирилган вазият қиради?

Қуйидаги жадвалда «+» белгиси билан маркетинг стратегиясига мос келадиган сегментация турини курсатиб беринг.

Халқаро маркетинг стратегияси	Сегментация турлари			
	Ухшаш товарларга бил хил талабга эга мамлакатлар	Универсал сегментга йуналтирилган	Мамлакатдаги хар хил сегментларга йуналтирилган	Товарни модификациялаш
1. Товар ва маркетинг-микс бир хил				
2. Бир хил товар, маркетинг микс мослашган				
3. Товар ва маркетинг-микс мослашган				
4. Янги товар ва янги маркетинг-микс				

3. Тестлар:

1. Қайси омиллар халқаро маркетингнинг ташиқи муҳитини белгилаб беради:

- а) иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий;
- б) давлат аппарати, рақобат, сиёсий барқарорлик;
- в) ҳуқуқий, валюта чекловлари, кадрлар сиёсати;
- г) халқаро савдо тизими, конъюнктура, рақобат

2. Қайси омиллар корхонанинг бозордаги фаолиятида ички муҳитни белгилаб беради:

- а) кадрлар, рақобат, ресурс манбалари, ички кооперация;
- б) конъюнктура, маҳсулот чиқариш имкониятлари, бозор
- в) маҳсулот рақобатбардошлиги, ишлаб чиқаришнинг илмий-техник даражаси;
- г) иқтисодий конъюнктура, ҳуқуқий муҳит, ишлаб чиқариш даражаси.

3. Тугри жавоб вариантларини танланг. Маркетинг тизими бозорга таъсир курсатишининг қуйидаги воситаларини қамраб олади:

- а) миқдорлар, башорат қилиш, товарнинг фойдалилиги;
- б) товар, нарх, ишлаб чиқариш, реклама, истеъмолчини рағбатлантириш;
- в) башорат қилиш, товар, нарх, сотув каналлари, реклама
- г) истеъмолчилар, таъминотчилар нарх, маҳсулот.

5. Бозорни танлаш қайси мезонлар буйича амалга оширилади:

- а) бозор ҳажми, узиш динамикаси, иш юритиш буйича харажатлар рақобатдаги устунликлар, хавф-хатарларни даражаси;
- б) бозорни фойдалилиги, географик жойланиши буйича танлаш, назоратлиги, бозорни ҳажми
- в) бозор конъюнктураси, бозор сизими, товарни харажатлантириш каналлари;
- г) бозорни қамраб олиш, фирманинг бозордаги улуши, бозор шароитлари.

6. Рангларга ажратишдан мақсад нима:

- а) товар ва хизматлар ассортиментининг кенгайтириши таъминлаш услуги;
- б) эски бозорда мустақам урин эгаллаш;

в) фирма учун киритилган капиталга кайси бозор купрок ва узокрок фойда келтиришини аниклаш;

г) коридагиларнинг ҳеч кайси бири; бозорда маълум бир улушни эгаллаш.

Кафедра мудири

Ш.Ж. Эргашхожаева

3-вариант

1. Халқаро маркетингнинг моҳияти, аҳамияти, функциялари ва турлари.

2. **Масала:** Маркетинг тадқиқот натижалари асосида фирмани улуши бозорда 10% дан 12 % гача усади (бозорни ҳажми - 175 млн.донна маҳсулот). Бир буюмга фойда 98 сум булса, бозор ҳажми узгарилмаса, келгуси йилга фирмани қушимча даромадини ҳисоблаб беринг. Маркетинг харажатлари йилига 182 млн. сумга тугри келади.

3. Тестлар:

1. *Иқтисодий муҳитни урганиш куйидагиларни камраб олади:*

- а) хужалик структураси, даромаларни тақсимлаш характери
- б) истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларни урганиш;
- в) рақобатчилар фаолиятини урганиш, фирма структурасини урганиш;
- г) конъюнктурани урганиш ва башорат қилиш

